


XVII. ХУҚУҚБУЗАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси ИИБ маълумотларига кўра 2018 йил январь-март ойларида 9620 та жиноятчилик ҳолатлари қайд этилган бўлиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 40,9 % га камайган. Рўйхатга олинган жиноятлар сони ҳар 10,0 минг аҳолига 3 тани ташкил этмоқда.

Барча хизмат йўналишлари бўйича жиноятларнинг даражалари бўйича сони (январь - март 2017 й. – январь-март 2018 й, бирликда)



Ўзбекистон Республикасида ўта оғир жиноятлар сони 2017 йил январь-март ойларида 657 тадан 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 455 тагача камайганлиги кўриш мумкин (30,8 % га). Оғир жиноятлар эса 2017 йил январь-март ойларида 1833 тадан 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 1417 тага камайган (22,7 % га). Унча оғир бўлмаган жиноятлар эса 2017 йил январь-март ойларига нисбатан (6036 та) 2018 йил январь-март ойларида 3388 тани ташкил этиб, 43,9 % га камайган.

2018 йил январь-март ҳолатига Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноят турлари бўйича сони, бирликда



Номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш (69,7 % га), талончилик жинояти (62,3 % га), ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (51,6 % га), порахўрлик (51,3 % га), босқинчилик жинояти (49,4 % га), безорилик жинояти (46,3 % га), фирибгарлик (43,9% га), иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, ҳокимият органларининг фаолият таркибига қарши жиноятлар (39,6 % га), гиёҳванд воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга

оид (27,0 % га), қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга уриниш жинояти (13,0 % га), қасддан баданга оғир шикаст етказиш (12,0 % га) жиноятлари сони камайган.

Шу билан бирга, хонадонларни тунаш 44,8 % га, дўкон ва савдо нуқталарини тунаш 47,5 % га, велосипед ва мопедларни тунаш 58,8 % га камайган.

2018 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони ҳудудлар кесимида, бирликда



Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида 2018 йил январь-март ойларида 2017 йил январь-март ойлари билан таққосланганда жиноятлар сони камайганлиги кузатилади: Сирдарё (51,0 % га), Тошкент (48,5 % га), Қашқадарё (48,0 % га), Бухоро (47,2 % га), Хоразм (42,8 % га), Фарғона (40,0 % га), Сурхондарё (38,1 % га), Навоий (34,9 % га), Андижон (34,8 % га), Самарқанд (34,3 % га), Жиззах (30,7 % га), Наманган (19,6 % га) вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида (49,6 % га) ва Тошкент шаҳрида (41,3 % га).

2018 йил январь-март ойларида жиноят содир этган шахслар



Меҳнатга қобилиятли, ишламайдиган ва ўқимайдиганлар



2573 ↓ 55,3%

Таълим муассасаларида ўқиётганлар



169 ↓ 60,0%

Бошқа тоифадаги шахслар



8598 ↓ 63,1%

Жами жиноят содир этган шахслардан:

Гуруҳ бўлиб



3368 ↓ 61,8%

Масликда



224 ↓ 68,7%

Аввал жиноят содир этганлар



1307 ↓ 65,8%

Вояга етмаганлар



186 ↓ 59,0%

Жиноят содир этган шахслар 11347 тани ташкил этган, 2017 йил январь-март ойлари билан таққосланганда 38,9 % га камайган. Шулардан 8966 нафари жиноий жавобгарликка тортилган.

Аёллар томонидан жиноят содир этиш 44,2 % га, эркаклар томонидан жиноят содир этиш эса 38,1 % га камайган.

Жиноят содир этган вақтда бандлиги бўйича тахлил қилинганда меҳнатга лаёқатли ишламайдиган, ўқимайдиганлар (44,7 % га), умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ўқувчилари (40,0 % га) орасида жиноят содир этиш камайган.

Жиноят содир этганлар орасида вояга етмаганлар ўртасида (41,0 % га), гуруҳ бўлиб (38,2 % га), аввал жиноят содир этганлар (34,2 % га), маст ҳолатда (31,3 % га) орасида жиноят содир этиш камайган.